

Табиий газни улгуржи истеъмолчи тарбият стекасиб берин ва кабул килиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил 24 январ

17/11 сон

Фаргона шахри
(шартномани туилиган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Фуркат туман мадания бўлими
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбар С. Ахмедов, бир томондан
Низомга асосан фаолият юритувчи "Худудгас Фаргона" газ ташминоти филиали
(га ташминоти ташкилоти номи кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб
атавади), директор У. Қосимов иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур
шартномани тутилди:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
хамширилан буюрганомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб
аталади) стекасиб берин мажбуриятини олади. Истеъмолчи эса ўз зиммасига унбу
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилиган хажма газни кабул килиш мажбуриятини
олади хамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муҳтатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ
курилмалари, шунингдек, газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда
хисобланган приборлари деб аталади) мавжуд бўлгандан стекасиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига таасиулланган месъёрларига (Табиий газдан
фойдаланиши конданинг 6-бандига) асосан иншаб чиқариладиган маҳсулотга
(ёки кўрсатилгаётган хизмат) писбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни
тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига калар келгуси йилда истеъмол
килиниши тахмин килинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича стекасиб бериладиган
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмла 2022 йилда 2727_куб.м,
нархи 660 минг сўмни ташкил килади, жумладан чорақлар ва ойлар бўйича
куйидагича таксимланади:

I чорақ 2727 Минг январь 909, февраль 909, март 909.

куб.м.,

II чорақ Минг апрель , май , июнь .

	куб.м.			
III чорак	Минг куб.м.	июль	август	сентябрь
IV чорак	Минг куб.м.	октябрь	ноябрь	декабрь

Етказиб берувчи томонидан хизматларни түлик хажмда күрсатиш учун магистрал ва газ таксимоти тармоларининг ишлаши издан чиккан тақдирда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайд этилган стратегик ва ижтиёмий аҳамиятга эга Истеммолчиларга 2022йилда зарур бўлган табиий газнинг миничал ҳажми 112272 минг куб метрни шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйилагини ташкил килади:

I чорак	2727	Минг куб.м.	январь	февраль	март
II чорак	2727	Минг куб.м.	апрель	май	июнь
III чорак	2727	Минг куб.м.	июль	август	сентябрь
IV чорак	2727	Минг куб.м.	октябрь	ноябрь	декабрь

1.5. Агар Истеммолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса. Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда таксимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеммолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни таксимленинги тасдиқланган балансига мувофик ажратилган ҳажмлар доирасида кайта кўриб чикиши мумкин. Истеммолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда. бундай холат ортиқча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофик тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеммолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеммолининг суткалик мөъёри доирасида газ кабул килиб олади, шунингдек. ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеммолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва кабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усууллар оркали Истеммолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

Фурқат туман Навбахор шаҳарчаси

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

2.4. Етказиб берувчи Иsteъmolчини газ етказиб берини кискартирилишига кадар камиди 24 соат аввал бу хакида хабардор килини шарт, магистрал газ кувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Иsteъmolчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериши дархол кискартирилади ёки тұхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилғанда, шуинингдек, куз-киш мәвсумида ижтимоий соха обьектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Иsteъmolчини огохлантирган қолда газ етказиб бериши чеклаш ёки тұхтатиб күйини хукуктаға эта. Иsteъmolчи эса захира ёкілғи туридан фойдаланинға утады.

2.6. Иsteъmolчи Етказиб берувчи билди газ етказиб бериш-кабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмаштириши таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Иsteъmolчи захира ёкілғи туридан фойдаланинши күзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шаклилантириши шарт. Иsteъmolчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билди табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувоғик захира ёкілғига ўтиши ва газдан фойдаланиши тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришининг тұхтатилиши тегишли даюлатнома билан расмийлантирилади.

2.8. Иsteъmolчи ўзинға тегинши бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилған ускуналар, ГПП (газ тақсимлана пункт), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз қолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш хамда саклани учун жавобгар хисобланади.

2.9. Иsteъmolчининг кўшимча газдан фойдаланиши ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган холларда. Иsteъmolчи Етказиб берувидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига ултиши Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувоғик амалга оширилади.

2.10. Иsteъmolчи ёки Етказиб берувчининг тұлов реквизитлари ўзгарған ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу хакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олини, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва иsteъmol килиш режимининг яғона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб,

табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажарин Истеъмолчилик учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилиган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул килини далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоги бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги тегишилиги бўйича аникланадиган газ тармоги бўлиниши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м3 газ олинади: ҳарорат 20° С. босим 101.325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилиди.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий ҳужжатлари талабларига мувофик газ микдорини стандарт шароитта автоматик равишида келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегинли коидалар ва меъёрларга мувофик амалга ошириллади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва меъёрларга мувофик амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёкилғи ва энергия. Хисобга кўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофик бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий кисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслов кўрги/калибрлан), торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлан) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш на ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чикариши эктиёжлари асосида келишув буйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чикарувчининг талабларига ва амалдаги месъёрлар ва коидаларга мувофик эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслош кўрги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чикариши эктиёжлари асосида келишув буйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чикарувчининг талабларига ва амалдаги месъёрлар ва коидаларга мувофик эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килини, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усуулларини танилаш масалалари Етказиб берувчи билан келишиллади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангиридри) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишини таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчи газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсир киладиган кисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўгри ишланини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 буйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий холатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 буйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиш холатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги холларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган холда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмагандага, газни хисобдан ириборини четглаб ўтган холда истеъмол килиш (ноконуний байпас линиялари улангандага) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникландган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлигини тасдикловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган холда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмагандага – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилиганда – хисобга олиш прибори ечилиган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугагандага – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамғаларининг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникландган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникландган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган холда табий газни истеъмол килиш холатлари аникландганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдикловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирор даъво муддатидан ортик бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаширилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандага ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган такдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол килинган табиий газ

хажмлари тұғрисидаги маълумотлар ТЕХНАТ тизимида кайд етилган маълумотлардан олинади):

а) газ истемоли хажмлари хисобга олиш приборининг рухсат үтилган максимал үлчов чегарасидан ортиқча бұлғанда, пломбаданмаган газ жиҳозларидан фойдаланылған газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан үтказиш далолатномаси түзилған күндан, хатлов далолатномаси мавжуд бұлмагандың эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирғи марта бориб күрілған күндан амалға оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истемолчи томонидан күшімча газ қурилмаси ўрнатыш ҳолаты аникланғанда (күшімча газ анжомларини ўрнатыб олиб фойдаланаётгандық факти бүйіча асосланырудың хужжатлар мавжуд бұлғанда) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истемолчининг хисобга олиш прибори газ хажмини пастки чегараси остила сарфлаганда, газ хажми хисобга олиш прибори ва/ёки үлчов комплексининг месъерій-техник хужжатларыда күрсатылған үлчовининг пастки чегарасыда олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг иниончилігігі таъсир күрсатуви үлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишилаши бузилған холаттар аникланғанда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлигі бўлинмаларида үлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан үтказишни талаб қилиш хукуқига эга.

Агар үлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан үтказганлик учун тўловлар Истемолчи томонидан, соз холатда бўлғанда эса – экспертиза үтказилиши талаб қиласа Гараф томонидан амалға оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чикқандаёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чикиш холатлари аникланған тақдирда Истемолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишилаш графигини тузини ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда үчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чикиш холати аникланған тақдирда қайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланған күнгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалға оширилади. (О'з DSt 8.586 га кўра газни аникланыш тизимлари герметик холатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилған газ учун тўловни амалға ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Узбекистон Республикаси Молия вазирлигинин томонидан амалтади көнүнчилікка мувофик белгиланади.

4.3. Истеммолчи хисоб-китоб килиши даври бошланишидан камида 5 күн олдин Етказиб берувчининг хисоб ракамига үшін шартноманинг 1,4 ва 1,5-бандларда күрсатылған ойлик газ хажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тұлайды.

Хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 күн олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан хак тұлаш асосида амалға ошириш хохишини билдирган истеммолчилар хисоб-китоб амалға ошириладын даврни күрсатиб етказиб берилген табиий газ учун 50 фоиз олдиндан хак тұлаш асосида хисоб-китоб килиши тұгрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат килишга хаклидір. Бундай холаттарда истеммолчилар хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 күн олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилған шартномада күрсатылған ойлик табиий газ хажми киймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан хак тұлашлари шарт. Амалда истеммол килинган табиий газ хажми учун якуний хисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалға ошириледі.

4.4. Истеммолчига газ олдиндан тұловсиз етказиб берилмайды.

4.5. Олдиндан тұлов амалға оширилмаган тәжіриде. Истеммолчига газ етказиб берилмайды (стратегик ва ижтимоиي аҳамияттағы истеммолчилар бундан мұстасно).

4.6. Истеммолчи ҳар ойнинг 10 санағига қадар аввалғы ойда истеммол килинган газ учун якуний хисоб-китобни амалға ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоиي аҳамияттағы истеммолчилар хисоб-китоб килиш ойи тугагдан кейин 30 күн мобайнида олинған газ учун якуний хисоб-китобни амалға оширадылар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеммолчининг айби билан табиий газ етказиб беришге шартномада күрсатылғаннан хажмдан кам фойдаланилған тәжіриде, аванс тарзда тұланған маблаглар кайтарылмайды. күрсатиб үтилған маблаглар эса келгусида газдан фойдаланиша хисобға олинади.

4.9. Истеммолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилған шартномада белгиланганидан күп хажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинған тәжіриде, Истеммолчидан шартномадағы хажмлардан ортиқча олинған табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилған тұлов үндірилади.

Бунда, белгиланған тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат күрсатыш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун

ечиб олиш шунингдек. Истеъмолчига алокадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти

носозлиги, чақмок, киска туташув ва х.к)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол килинган табиий газ ҳажмини ўрнатилиган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб килинини натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил килган холатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддати ўтган карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблаглари Истеъмолчини хабардор килган холатдўлов муддати ўтган карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол килишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларни интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган холлакириши орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси ва электрон ҳисобварак-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчива Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳакконийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси Истеъмолчидаги қуидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кучирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига такдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнини 7 кунидан кечиктиргасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва

электрон хисобварак-фактурани кабул килиб олади имзолайли ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истемолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки кабул килинган газ майдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тугаганлан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида мъълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим киласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.17. Истемолчидан дебитор карзларни үндириши Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истемол килинган газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткала 24 соат ичидаги тўлиқ кувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргантакдирда. Етказиб берувчи бу ҳақидаги аҳборони ўн беш кун олдин оммавий аҳборот воситалари оркали хабардор киласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истемол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-банда кўрсатиб ўтилган ҳуқукбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истемолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган холатлардан газ хажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликтан озод килмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИН ВА ҚАЙГА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчидаги қуйидаги холатларнинг мавжудлиги хамда ушбу холатларнинг бартараф этилгунига кадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда:
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга старли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда:
- хисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартирини максалида уларнинг ишлашига тўскинилик киливчи хатти-харакатлар амалга оширилган холатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсири кўрсатишга харакат килиш;
- Газдан фойдаланиш коидаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиши ёки бошқа коидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиши холатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликин ўз симмасига олмайди.

6.2. Тармокка қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофик Истеъмолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

VII. ГАРАФЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

- ўзига каранили бўлган газ тармоқларици соз ҳолатда сакланни ва уларни ўз хисобидан таъмирлантикаш:

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш кискарсан ёки тўхтаган тақлирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор килиш:

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш:

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига кадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришлариз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож килинганлиги тўғрисида хуқуқни муҳофаза килиш органларини хабардор килиш:

- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш:

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзgartirinilap киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш:

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофик истемолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш:

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичida алмаштириш:

Етказиб берувчи конунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги хуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра. Истемолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш:

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб кўйиш:

- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб килиш:

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувофик бир томонлама воз кечиши;

- газ тармокларида авариянин олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келгана. Истеъмолчи билан келингмасдан ва уни огохлантирмасдан ўзамда зудлик билан хабардор килган холда, табиий газни етказиб бериши тўхтатиш ёки чеклаш:

- ушбу шартномада назарда тутилган холатларда аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгунинг қалар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб бериши тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

7.3. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жихатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чикиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

- Ўзининг газ тармоклари дахлислигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чикиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазинспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хуқукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскиниллик қилувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор килиш.

-Газ тармоги бўлинини чегарасида табий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олини имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ПХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган хисоблани приборлари Истеъмолчи гомонидан ўрнатиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб килиш ҳукукига эга:

- етказиб берилган табий газнинг аникланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда. Етказиб берувчининг габий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган холда узатилиши;

- табий газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

- табий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофик бир томонлама бекор килиш;

- табий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб килиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатиши.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошка ҳукукларга эга булиши мумкин.

VII. ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб берини шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлик етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда коплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун кўйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўнимимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улап ҳолати аникланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида”ги

Конунинг асосида жарима санкциялари күйинде олар бундан мустасено:

- а) форс-мажор холатлар;
- б) магистрал газ кувурларида ва газ тармоқларида авария холатлари юз берганда;

в) киш даврида вактинча газ етказиб берини чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри хокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб берини тармогидан узиб кўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкиари);

г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмагандан.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатларталабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ кабул килиш ёки унинг учун ҳак тўлашини рад ўтганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ хажми кийматининг 20 фоизи микдорила жарима тўлашни талаб килиш хукукига ўга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани кайтаришни талаб килиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда. Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0.5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА КАРИШ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг

коррупцияга карни амалдаги таълабларига ва Ўзбекистон Республикасинин барча конуни ва қоидаларига катъий риоя килади.

X. НИЗОЛАРИН ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақлирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиши чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳаёт этиши учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги Иктиносидий судга мурожаат килинга хаклиди.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиши ва бир томонлама ўзгаришига йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазибичарини жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгид бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тоғикини, ёнгин чикини, ер кимирлаши, вирус таркалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарини имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб бериши тўхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатини ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақлирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралир йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул киласилилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛНИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгаришиш ва кўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани

бекор килини тұғрисида тараб билан мурожаат кілмаган бұлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг мүддати тұғаганидан кейин, агар томонлардан бири шартноманин бекор килиш тұғрисидаталаб билан мурожаат кілмаган бұлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг өлүвчилар хар йили 2022 йил 31 декабр санағига” амал килипшілари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бүйіча даъволари даъво қабул килинган күндан бошлаб 30 күн мобайнида құрып чикилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Томонлар үртасидағи барча келишмовчиликлар үзаро музокара йүли билан ҳал этилади. Томонлар үзаро келишувгә ерішмаган тақлирда низо жавобгар жойлашған жойдаги тегишли суд томонидан ҳал килинади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар бири учун иккى нусхада тузилған, иккала нусхасынан бир хил юридик күчтаға эзға.



✓ 0. Ниязов

ш. Чимкент

М. Эрессабов.
JULY 15, 2022

XIV. ТОМОНГАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАЛЗИИ:

«ХУДУДГАЗ ФАРГОНА» ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ	“ИСТЕММОЛЧИ” Молия булими
<p>Почта маңзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри Б.Марғилоний кӯчаси №76-үй Тел./факс: 73-229-04-13 х/р:</p> <p>Банк номи: «Ўзсаноатқуришибанк» Ракат филиали МФО: 00435 ИНН: 306 605 769 ОҚОД: 35220 ASI Х/Р: 2263400005113960466</p> <p>Рахбар: У.Кодиров (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имомот: Ҳудудгаз Farg'ona Xulosa filiali</p> <p>Муҳаррим</p>	<p>(бюджет таниклотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)</p> <p>Почта маңзили: Фуркат гумани</p> <p>ОҚИО коди 97160 ОҚОД Мулокот телефони: 90 570 10 07 Fax/x: 23402000300100001010 Банк номи: Макказий банк Тош МФО: 00014 ИНН: 200201599 ИНН: 201122919 х/р: 100022860302387011312092001 (газначиллик бўлинимаси номи)</p> <p>Рахбар: С.Ахмедов (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: </p>

**“HUDUDGAZ FARG’ONA” GTF
XULOSA**

Sharhnoma, shartnari O’zbekiston Respublikasini
“Хојялк юритувчи субъектлар тафтиялни
шартномаллий-хуқуқи базаси тоғ’рисидаги
Qонуни тарабибага мувофиқ
Mutaxasis yurist

2022 ии. 24.01.
17/11 си партномата
ИЧОВА

Фойдаланиңга қабул қилиш аң тәздан фойдаланып ускуналары

PÝÜXATHI

Фаолият тури: Мокиев булеви
Кадастър №5

Табиий газ тарифи: 660 сүм 00 тийин

т/р	Корхона, участка, иеш иоми	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газин хисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
1	Мажлис бўйичи	ЛГВ ПГХЧ	2	4,4 1,2	ПРЧИЧБ


Келиниилган:

Етказиб берувчи Рахбар



Истерьмолчи
Рахбар _____ С.Ахмедов
(ФИШ)





ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕМӨЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ

№ 17 / 11

Фаргона 2022 йил

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

24.01.2022 yil

Furqat tumani

1. Loyihaning turi: shartnoma.

2. Loyihaning nomi: “Xududgaz Farg’ona” gaz ta’minoti filiali bilan Furqat tuman moliya bo’limi o’rtasidagi gaz yetkazib berish to’g’risidagi 17/11-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: Furqat tuman moliya bo’limi tomonidan 2022 yil 24 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 24 yanvar kuni markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo‘yicha taklif va (yoki) e’tirozlar:

Furqat tumani moliya bo’limi bilan “Xududgaz Farg’ona” gaz ta’minoti filiali o’rtasidagi gaz yetkazib berish to’g’risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o’rganib chiqildi.

O’rganish natijalari bo‘yicha ushbu shartnoma loyihasi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi va boshqa Qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilganligi ma’lum bo’ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o’tkazish natijalariga ko‘ra:

XULOSA

Furqat tuman moliya bo’limi tomonidan taqdim etilgan 17/11-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o’tkazildi, yuqoridagilarga asosan, mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq.

**Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti**



U.Xamidov